

8-1-2020

REGIONAL FINANCIAL POLICY IN UZBEKISTAN AND THE NEED FOR A FINANCIAL STRATEGY

N. Primova

Tashkent State University of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Primova, N. (2020) "REGIONAL FINANCIAL POLICY IN UZBEKISTAN AND THE NEED FOR A FINANCIAL STRATEGY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Н.И.Примова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДУДИЙ МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА УНДА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ЗАРУРАТИ

Мақолада мамлакатимизда ҳудудий молиявий сиёсатнинг шаклланиши ва унда молиявий стратегиянинг қанчалик муҳим роль ўйнаши тадқиқ қилинган. Молиявий сиёсатнинг таркибий бўғинлари бюджет даромадларини шакллантириш, ҳудудий даромадлар ва харажатларни тақсимлаш, ҳудудларни ривожлантириш потенциални баҳолаш ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда таклиф ва тавсиялар берилган. Ҳудудий молиявий стратегияни шакллантириш бўйича таклифлар баён этилган.

Таянч сўз ва иборалар: молиявий сиёсат, молиявий стратегия, кредит сиёсати, фиксал сиёсат, иқтисодий сиёсат, муниципал тузилма, молиявий ресурслар, ҳудуд, минтақавий инвестиция, ҳудудий ҳокимликлар.

РЕГИОНАЛЬНАЯ ФИНАНСОВАЯ ПОЛИТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ И НЕОБХОДИМОСТЬ ФИНАНСОВОЙ СТРАТЕГИИ

В статье рассматривается формирование региональной финансовой политики в нашей стране и важная роль финансовой стратегии в ней. Даны предложения и рекомендации с учетом формирования доходов бюджета, распределения доходов и расходов регионов, оценки потенциала развития регионов и его специфических особенностей, которые являются составляющими фискальной политики. Изложены предложения по формированию региональной финансовой стратегии.

Ключевые слова: финансовая политика, финансовая стратегия, кредитная политика, фискальная политика, экономическая политика, муниципальная структура, финансовые ресурсы, территория, региональные финансы, региональные инвестиции, региональные органы власти.

REGIONAL FINANCIAL POLICY IN UZBEKISTAN AND THE NEED FOR A FINANCIAL STRATEGY

The article considers the formation of regional financial policy in our country and the important role of financial strategy in it. Suggestions and recommendations are given taking into account the formation of budget revenues, the distribution of revenues and expenses of the regions, assessing the development potential of the regions and its specific features, which are components of fiscal policy. The proposals on the formation of a regional financial strategy are presented.

Keywords: Financial policy, financial strategy, credit policy, fiscal policy, economic policy, municipal structure, financial resources, territory, regional finances, regional investments, regional authorities.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлатнинг вазифалари самарали бажарилиши айниқса муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, давлатнинг зиммасида бўлган ижтимоий ва сиёсий фаолиятни амалга оширилишининг молиявий асослари молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Мамлакатда бюджет-солиқ, кредит, фискал ва иқтисодий сиёсатлар давлат хизматларининг сифатини оширишга қаратилган ҳолда амалга оширилишини назарда тутди [1].

Худудий молиявий сиёсатнинг шаклланиши Ўзбекистон шароитида миллий молиявий сиёсатдан кескин фарқланмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири – бу Ўзбекистоннинг унитар давлат сифатидаги тузилишга асосланган иқтисодиётга эгаллиги билан баҳоланади. Бу эса, худудий молиявий стратегияни ишлаб чиқишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим омил ҳисобланади.

Молиявий сиёсатга нисбатан профессорлар Т.Маликов ва А.Вахобов молиявий сиёсатнинг таркибий бўғинига қуйидагиларни киритишади [2]: бюджет, солиқ, пул, кредит, баҳо, инвестиция, ижтимоий-молиявий ва бож сиёсати шулар жумласидандир.

Д.Рахмонов ва А.Шеровлар бюджет сиёсати қуйидаги ёндашувлар бўйича амалга оширилишини таъкидлайдилар [3]:

Бюджет харажатлари кўпайишини олдини олиш ва давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестицияларни босқичма-босқич қисқартириш мақсадида иқтисодиётда давлат улушини пасайтириш зарур. Бунда давлат ва хусусий шериклик устувор бўлиши керак. Иқтисодиётни модернизациялашнинг экологик оқибатларини бартараф этишга қаратилган ислохотларни амалга оширишда бюджет сиёсатининг устуворлиги муҳимдир. Шу билан бирга, бюджет механизми орқали экологик вазиятни мураккаблаштирадиган жараёнларни тартибга солишни кучайтириш керак. Бюджет сиёсатини амалга ошириш элементлари қаторига қуйидагилар киради:

- мақсадга мувофиқлик;
- шаффофлик;
- равшанлик;
- ижтимоийлик;
- самарадорлик.

Россиялик иқтисодчи, профессор О.Сухарев барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради [4].

Молиявий сиёсатнинг юқорида келтирилган таркибий бўғинлари миллий иқтисодиёт миқёсида амал қилиши назарда тутилган. Ушбу сиёсатнинг айримларини худудлар кесимида амалга оширишга мамлакатимиз қонунчилиги ёки давлат тузилиши назарда тутмайди. Масалан, пул сиёсати Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида ягона орган – Марказий банк томонидан амалга оширилиб, миллий валюта эмиссиясини амалга оширади. Бунда ҳудудий Марказий банк бошқармалари бундай ваколатни амалга оширмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради” деб белгиланган.

Ушбу қондининг белгиланиши пул сиёсати ҳудудий молиявий сиёсатнинг таркиби бўла олмаслигини англатади. Лекин, кредит сиёсати тижорат банклари томонидан мустақил равишда олиб борилиши инобатга олинса, ҳудуд нуқтаи назаридан тижорат банклари алоҳида фоиз ставкаларини жорий этиши мумкин.

Шунингдек, бож сиёсати ҳам марказий органлар томонидан белгиланиши ва олиб борилиши нуқтаи назаридан ҳудудий сиёсатнинг таркиби бўла олмайди. Жумладан, бож сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасидан Олий Мажлис ваколатлари таркибида эканлиги келтирилган [5].

Бизнингча, ҳудудий молиявий сиёсатнинг таркибига қуйидагиларни киритиш ва уларни ҳудуд нуқтаи назаридан амалга оширишга нисбатан стратегияси ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- бюджет-солиқ сиёсати;
- кредит сиёсати;
- инвестиция сиёсати.

Бизнингча, ҳудудий молиявий сиёсатнинг таркиби сифатида бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишда бюджет даромадларини шакллантиришдан ҳудудий манфаатдорликни ва харажатларни тақсимлашни либераллаштиришни таъминлаш асосий омил бўлиши лозим. Бунда давлат марказий органлари тартибга солиш тадбирларини амалга ошириш керак.

Кредит ва инвестиция сиёсатини олиб борилишида ҳудудий потенциали ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш орқали таъминланиши муҳим масала ҳисобланади.

Шу боисдан, биз тадқиқотимизнинг асосий йўналиши сифатида эътиборни ҳудудий бюджет-солиқ сиёсатининг устуворликларига қаратамиз.

Тадқиқотимизни ҳудудий молиявий сиёсатнинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда олим ва мутахассисларнинг илмий асарларини ўрганиш билан давом эттирамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўзларининг илмий асарларида ҳудудий молиявий сиёсатнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишган. Хусусан, фискал сиёсатнинг назарий асослари тўғрисида Х.Асатуллаев қуйидаги илмий хулосаларни бериб ўтади[6]: “иқтисодий фанларда ва ривожланган мамлакатлар реал амалиётдан келиб чиқиб, давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликни кўрсатувчи иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик ва бандликни рағбатлантирувчи назарий методологик, илмий асосланган ёндашувини ишлаб чиқиш. Бу мамлакат тараққиёт даражаси, ҳудудий

мутаносибликлар, бандлик, аҳоли истеъмол даражасини рағбатлантирувчи дастак ва воситаларини ҳисобга олишни тақозо қилади”. Фискал сиёсат иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида кўрсатиб ўтилмоқда. Хусусан, иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик ва бандликни таъминлаш каби вазифаларни бажариши назарий асосланган. Бу эса, ҳудудий нуқтаи назардан ҳам ўзининг моҳиятини сақлаб қолади, деган хулосани беради. Шу боисдан, фискал сиёсатни ҳудудий жиҳатдан ҳам такомиллаштириш иқтисодий эркинлаштириш шароитидаги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади.

Э.Муминова ҳудудларни ривожлантиришнинг муаммолари ва уларнинг ечимларини акс эттирган илмий мақоласида қуйидагиларга эътиборни қаратади [7]:

1. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш лозим:

– ҳудудни ижтимоий иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб қуваватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;

– ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;

– белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартиблаш имкониятларининг очиқлиги;

– ҳудуд ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги.

2. Саноат корхоналари учун тегишли инфратузилма етарли даражада ривожлантириш зарур.

3. Қишлоқ жойларда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш, саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, уларни хомашё ва материаллар билан таъминлаш.

4. Ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқишни таъминлаш ва амалга оширилиши, янги ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш.

5. Уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини тубдан ошириш лозим.

6. Ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, замонавий агротехнологияларни ва сувдан тежамли фойдаланиш усуллари жорий этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Д. Рахмонов ҳудудларни ривожлантиришда инвестицион потенциални баҳолашни таклиф этади. Ҳудудларда асосий капиталга инвестициялар билан ялпи ҳудудий маҳсулотлар ўртасидаги ўзаро ижобий боғлиқликни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади [8]:

– ҳудудга жалб этилаётган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан улушини барқарор тарзда бўлишини таъминлаш;

– инвестицияларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариш тенденцияларини кескин тарзда бўлишини олдини олиш;

– инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот яратишдаги ўрнини ижобий бўлишини таъминлаш учун инвестициялар ҳажмининг ялпи маҳсулотга

нисбатан улушини халқаро мезонлар бўйича бўлишини (25-40 фоиз) таъминлашга эътибор қаратиш;

– табиий-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда инвестицияларни жойлаштириш;

– ихтисослашув даражасини инобатга олиб, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

– рақобат устунлиги имкониятларини эътиборга олган ҳолда, устувор соҳаларга инвестицияларни жойлаштириш;

– инвестицияларнинг ҳажмига эмас, балки унинг иқтисодий ўсишдаги ижобий таъсирини инобага олиш

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини шакллантиришда солиқларнинг ролига алоҳида эътибор қаратган тадқиқотчилардан О.Мейлиев ўзининг хулосаларни асослаб берган [9]. Хусусан, қуйидаги айрим хулосалари билан танишиш мумкин:

– маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар миқдорларини ҳар йили қайта кўриб ўзгартириш киритмасдан, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш тартибини киритиш лозим;

– республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар ажратиш тизимининг мавжудлиги уларни юқори бюджетга тобелигини билдиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди ва маҳаллий ҳокимият органларининг боқимандалигини кучайтиради.

Б.Норматов ҳудудларнинг молиявий сиёсатини шакллантиришда ҳудудларга мотивацияга сабаб бўлувчи омилларга эътиборни қаратади [10]. “Ҳудудлар даромадлар базасини тўлиқ аниқлаш, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқлар тақсимооти ва бюджетлараро трансфертларнинг оптимал миқдорини белгилаш, солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш ва, шунингдек, илмий асосланган солиқ тушумлари прогнозини ишлаб чиқиш ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, ҳудудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда муҳим ўрин тутди” деб таъкидлаб ўтади.

Юқорида келтириб ўтилган илмий асарларнинг хулоса марказида ҳудуднинг иқтисодиёт тараққиётини таъминлашга қаратилган. Уларда ҳудудий молиявий сиёсатнинг турли жиҳатларига эътибор берилган. Д.Рахмонов бюджет сиёсати ва инвестицион сиёсатнинг айрим жиҳатларига эътибор бериб, ҳудудий хусусиятлар юзасидан ўзининг илмий хулосаларини асослаб беради. О.Мейлиев эса, солиқларнинг ролини мустаҳкамлаш учун тартибга солувчи даромадларни ўзгартирмаслик ва бириктирилган солиқларни эса кўпайтиришни таклиф этмоқда. Б.Норматов эса, бюджет даромадларини шакллантиришда ҳудудларга мотивация бериш йўллари тавсия этиб ўтади.

Д.Рахимова ўзининг илмий асарларида ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг айрим жиҳатлари тўғрисида тадқиқотлар олиб боради [11].

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, мураккабликлар мавжуд бўлган ҳудудларда иқтисодий сиёсатни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни тавсия этади:

- аниқ лойиҳалар доирасида қайтарилмайдиган субсидиялар шаклида молиявий ёрдамлар кўрсатиш;
- хорижий капитални жалб этиш (айниқса, эркин иқтисодий зоналарга);
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича барқарор сиёсатни олиб бориш;
- преференциялар режимини жорий этиш;
- инфратузилмани ривожлантириш.

Г.Ревняков молиявий сиёсатни амалга оширишга нисбатан урта йўналишни кўрсатиб ўтади ва қуйидагиларни келтиради: инвестицион сиёсат, пул-кредит сиёсати ва бюджет-солиқ сиёсати. Унга кўра, ҳудудда ягона инвестицион сиёсатни ишлаб чиқишда унинг хусусияти ва молиявий потенциалини инобатга олиш, ҳудудий молия-кредит муассасалари аҳамиятини ошириш учун муҳим лойиҳаларни жалб этиш ва бюджет-солиқ сиёсати маҳаллий бюджетларга ва ҳудудларда тўланадиган солиқларни тартибга солиш сифатида қаралади [12].

С.Мишина ўзининг илмий асарида муниципал тузилманинг молиявий ресурсларини икки гуруҳга ажратган ҳолда марказлашган ва марказлашмаган шаклда бўлишини қайд этади [13]. Марказлашган молиявий ресурсларга нисбатан маҳаллий бюджетнинг (солиқли, солиқсиз ва бошқа бюджетлардан молиявий ёрдам) даромадлари, муниципал облигацияларни келтирса, марказлашмаган маблағларга хўжалик юритувчи субъектлар (ХЮС) ва уй хўжаликлари молияси киритади (1-расм).

Юқорида келтириб ўтилган россиялик олимларнинг илмий хулосаларидан кўриниб турибдики, ҳудудий молиявий сиёсатда унинг йўналишлари ва даромадлар базалари алоҳида ўрин тутар экан. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

Биринчидан, ҳудудий инвестиция сиёсатида ихтисослашув назариясини илгари суриш. Бунда Д.Рикардонинг нисбий устунлик ва ихтисослашув назариясига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зотан, мамлакатимиз миқёсида вилоятлар/ҳудудлар ўртасида товар айирбошлашни ушбу қоидага асосан шакллантириш учун инвестицион фаолиятни шунга уйғунлаштириш зарур, деб ўйлаймиз. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2020 йил 11 майдаги “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709-сонли қарори қабул қилиниши дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлди. Бизнингча, ҳудудлар молиявий сиёсатини такомиллаштиришда инвестицион фаолиятни ихтисослашув устуворлигига уйғунлаштириш лозим;



1-расм. Муниципал тузилмаларнинг молиявий ресурслари манбалари [13]

Иккинчидан, бюджет-солиқ сиёсатини шакллантиришнинг ҳудудий йўналишларини ишлаб чиқишда фақатгина даромадлар базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратишнинг ўзи етарли бўлади, деб ҳисобламаймиз. Шу боисдан, ҳудудий жиҳатдан бюджет харажатларини амалга оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, марказлашган молиявий ресурсларнинг шаклланишида Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган молия бозорини ривожлантиришга эътибор қаратиш. Ҳудудларда маҳаллий облигацияларни эмиссия қилиш орқали маблағлар жалб этиш масаласи мураккаблик туғдириши мумкин. Шу боисдан, дастлаб бюджет маблағларининг бўш турган маблағларини депозитларга жойлаштириш бўйича ҳудудий ваколатларни кенгайтириш лозим, деб ўйлаймиз.

Стратегик режалаштиришга нисбатан методологик ёндашув асослари
[13]

Методологик ёндашув	Восита ва жорий этиш методлари	Натижалар
Мувозанатлашган “табиат-аҳоли-хўжалик” тамойиллари асосида барқарор ривожланишни таъминлаш	Тузилмавий-функционал таҳлил; Тизимли таҳлил; Статистик ва хужжатли таҳлил; SWOT, PEST ва эксперт таҳлил;	Муниципиал тузилманинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи таҳлили Муниципиал, уй хўжалиги ва хўжаликлар менежменти таҳлили
Расмий ва норасмий институтларни баҳолаш ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги устун тармоқни аниқлаш орқали институционал ёндашув амалга ошириш	Жамоавий фаолият олиб боришни ташкил қилиш Институционал таҳлил Сўровнома, эксперт сўровидан фойдаланиш	Стратегик йўналишнинг мақсад ва вазифалари Лойиҳа ва тадбирлар рўйхати ва ижрочилар Стратегияни амалга ошириш механизми
Маҳаллий тузилмаларнигн интеграциялашган даражасини аниқлаш билан ижтимоий ёндашувни амалга ошириш	Маҳаллий бошқарув органлари иштирокини режалаштириш Ижтимоий таҳлил Уй хўжаликларини анкеталаштириш, хўжалик раҳбарлари билан интервью, замонавий-инновацион фаолият	Стратегик ривожланиш гуруҳи Аҳолини жалб этиш дастури Уй хўжалиги ва корхоналар панели (маълумотлари)

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 125-моддасига кўра, вақтинча бўш турган маблағларни Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига жойлаштириш ҳажмини ва бошқаларни белгилаши амалга оширилади. Бизнингча, ҳудудий бюджет-солиқ сиёсатини шакллантиришда харажатларни мустақил бошқариш имкониятларини жорий этиш молиявий стратегияни амалга оширишнинг асосий омилларидан бўлиб хизмат қилади. Бу эса. Ягона ғазна ҳисобварағида ҳудудлар кесимида турган маблағлар ҳудудлар кесимида депозитларга жойлаштириш ваколатини тақдим этишни тақозо этади. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан маълум молиявий қоида ва мезонларни ишлаб чиқиши ҳудудий молиявий мустақилликни тартибга солишга ёрдам беради[14].

Шу билан бирга, ҳудудий молиявий ваколатларни янада эркинлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш,

маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли фармони қабул қилинди. Унга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлиги ва масъулиятини ошириш белгиланган бўлиб, асосий устуворлик сифатида бюджет даромадлари базасини мустақкамлашга урғу берилган[15].

Бизнингча эса, ҳудудий молиявий сиёсатни шакллантиришда харажатларни ҳам эркин тасарруф этиш шарт-шароитларини яратиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, стратегик ривожлантиришга нисбатан Н. Куликова ва Н. Сергеева томонидан келтирилган ёндашувни келтириш мумкин[16] (1-жадвалга қаранг).

Н. Куликова ва Н. Сергеева томонидан ҳудудий молиявий стратегияни шакллантиришда хусусий секторга ҳам эътибор берилган. Унда хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликларининг молиявий фаолитларига ҳам урғу бериб ўтилган. Эътиборли жиҳати, уларнинг хулосаларида ҳам ҳудудлардаги институционал тузилмаларнинг нисбий устунлик омилларидан фойдаланиш тавсия этилган. Шу билан бирга, ҳар бир устуворлик бўйича таҳлил қилиш методлари келтириб ўтилмоқда.

Ҳудудий молиянинг вужудга келишида маълум жиҳатлар билан изоҳланиши лозим. Бунда давлатнинг тузилиши энг муҳим омил бўлиб унинг қандай бўлиши ҳудудий молиянинг амалга оширилишида муҳим ҳисобланади. Шунингдек, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўртасида молиявий ваколатларнинг тақсимланиш даражаси билан узвий боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122 моддасида қуйидаги қоида белгиланган[5]:

“Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимида эга.

Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат”.

Мамлакатимиз қомусида кўрсатилган мазкур қоиданинг мавжудлиги ҳудудий молияни ташкил қилишда тўлиқ ҳуқуқий ва молиявий мустақилликни таъминлашга эришишни англамайди. Бу эса, молиявий стратегияни ишлаб чиқишда марказий давлат ҳокимияти органи томонидан юқори ва қуйи чегараларни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияларини ишлаб чиқишда умумдавлат миқёсидаги ислохотлар доирасида ишлаб чиқилишига эътибор берилиши зарурий омил ҳисобланади.

Умуман олганда, давлатларнинг тузилиши икки кўринишда бўлишини инобатга олиш зарур. Улар: федерал ва унитар. Ўзбекистон Республикаси энциклопедик луғатида федератив давлатнинг қуйидаги моҳиятлари мавжудлиги алоҳида қайд этиб ўтилади: а) давлат ички тузилмасининг хусусиятида; б) марказ билан федератив давлат қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг хусусиятида; в) марказ ҳамда федератив давлат субъектлари ҳуқуқларининг хусусиятларида намоён бўлади.

Унитар давлат маъмурий-худудий бирликларга бўлинса, федератив давлат субъектлардан ташкил топади. Субъектлар давлат (бу энг аввало республикаларга тааллуқли), миллий-худудий (автоном) тузилмалар ёки уларни худудий-давлат (давлат-худудий) бирликларига айлантирадиган махсус мақомга эга худудий бирликлар бўлиши мумкин.

Шунингдек, унитар давлатда бутун давлат ҳаётига марказлашган тартибда раҳбарлик қилиш ҳамда уларни тартибга солиш даражаси анча юқори бўлади, федератив давлатда эса, мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари федерация миқёсида ҳал қилинади[17].

Хулоса ва тактифлар

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон шароитида худудий молиянинг шаклланиши марказий молиявий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Шу боисдан, худудий молиянинг молиявий стратегиялари умумдавлат ислохотларга монандлигини сақлаб қолиши ёки унинг доирасида амалга оширилиши лозим бўлади.

Фикримизча, худудий молиянинг шаклланишида бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Давлат тузилишининг қандай бўлишидан қатъий назар фискал сиёсат ўзининг долзарблигини сақлаб қолади. Асосий фарқли жиҳат сифатида унинг инструментиларини амалга ошириш ваколатларининг тааллуқлилиқ даражаси билан ифодаланади.

Худудий молия ва иқтисодиётнинг шакллантиришга нисбатан олим ва мутахасисларнинг илмий ёндашувларини таҳлил қилиб чиқишдан олдин, Ўзбекистон қонунчилигидаги мавжуд ҳолатларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, худудларда фискал сиёсатнинг бирламчи омили сифатида солиқ муносабатлари юзага чиқади.

Ўзбекистон Конституциясининг 123-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли” деган қоида белгиланган. Ушбу тамойилнинг мавжудлиги Ўзбекистонда солиқ сиёсатини амалга оширилишида қонун чиқарувчи органнинг ягона ваколатга эга эканлигини белгилаб бермоқда. Бу эса, худудий давлат ҳокимияти органларига солиқларни жорий қилиш имкони берилмаслигини англатади. Лекин, худудлар ўзларига бириктирилган солиқларни жорий этилиши ва уларнинг ставкаларини шакллантиришда асосий ваколатга эга эканлиги белгилаб қўйилган[5].

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХП-сонли қонунида худудий молиявий сиёсатнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Жумладан, қонуннинг 24-моддасида Халқ депутатлари Кенгаши ваколатларидан бири сифатида “маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш” эканлиги келтириб ўтилган. Англаш мумкинки, маҳаллий кенгашлар томонидан солиқлар жорий этилиши назарда тутилмаган, балки юқори ва қуйи чегаралардан чиқмаган тарзда солиқ ставкаларини белгиланишига имкон яратилган[18].

Шунингдек, мазкур қонуннинг 25-моддасида Ҳокимнинг ваколатларида “қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш” мумкинлиги белгиланган.

Ҳудудий нуқтаи назардан солиқларни таъсир воситаси сифатида уларнинг ставкаларини табақалаштиришга имкон берилаётганлиги Ўзбекистонда мавжуд солиқларнинг ставкаларини шакллантириш молиявий стратегиянинг асосий устуворлиги бўлиши лозимлигини ўзида акс эттиради.

Фискал сиёсатнинг яна бир йўналиши – бу бюджет харажатлари ижроси бўлиб. Унда ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг айрим мустақил ваколатлари мавжуд. ЎРҚ-913-ХП-сонли қонунининг 24-моддасида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳудуд бюджетини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва унинг ижроси юзасидан ҳисоботларни тасдиқлаш ваколати берилган.

Мазкур ЎРҚ-913-ХП-сонли қонунга 2013 йилда киритилган муҳим ўзгаришлардан бири – бу маҳаллий миқёсда бюджетдан ташқари жамғармалар тузишга рухсат берилганлиги билан изоҳланади. Унга биноан, 8¹-модда киритилди ва унда қуйидагилар ўз аксини топди:

- халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиши мумкин, уларга қуйидагилар киритилади:

- фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, бундан бюджет ташкилотлари мустасно, ихтиёрий бадаллари ва хайриялари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа бюджетдан ташқари маблағлар.

- маҳаллий ҳокимият органлари вилоят, туман, шаҳар бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари шахсий ғазна ҳисобварақларида туради, олиб кўйилмайди ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига кўра сарфланади.

Ҳудудий жиҳатдан бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантирилишга ва уларни тасарруф этишда молиявий мустақилликни берилиши молиявий стратегиянинг зарурлигини кўрсатиб беради. Сабаби, мазкур қоида билан ҳудудий молиявий қарорларни қабул қилишда асослантилган молиявий стратегияларни жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳудудий молиянинг молиявий ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилди. Унга биноан, бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш механизми кўзда тутилди[19].

Фикримизча, маҳаллий молиянинг ижросини таъминлашда ҳудудий давлат ҳокимияти органларида молиявий мустақиллик юзасидан дастлабки қадамлар

кўйила бошлади. Бу эса, уларнинг фаолиятида молиявий стратегияни шакллантириш заруратини кўрсатиб беради. Шу боисдан, ҳудудий молиянинг шаклланиши хусусиятланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947сонли Фармони. // lex.uz

2. Вахобов А., Маликов Т. Молия//Дарслик,.Тошкент молия институти. – Т.: “Ношир”, 2011. – 712 бет.

3. Rakhmonov D., Sherov A. Budget Policy in Uzbekistan: Practical and Strategic Directions. EJBMR, European Journal of Business and Management Research. Vol. 5, No. 1, February 2020.

4. Sukharev O. Regional Economic Policy: Structured Approach and Tools (Theoretical Formulation). R-Economy. Vol 1, No 2 (2015).

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон. 2018.

6. Асатуллаев Х.С. Тоштемиров Т.О. Иқтисодий фаоллик ва давлат фискал сиёсати: назария ва амалиёт уйғунлиги//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил.

7. Муминова Э.А. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

8. Рахмонов Д.А., Сулаймонов С.А. Ҳудудларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш инвестицияларни жалб этишнинг самарали йўллари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 й.

9. Мейлиев О.Р. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамиятини ошириш//Молия ва банк иши илмий электрон журнали. – Т.: БМА, 2020. -№3. – Б. 297-306.

10. Норматов Б. Ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жхатлари//Бозор, пул ва кредит журнали. 2019й. - №3. Электрон манба: <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/5130-bekzod-normatov-hududiy-daromad-siyosati-motivatsiyasining-muhim-jihatleri>.

11. Рахимова Д. Зарубежный опыт государственного регулирования регионального развития//Жамият ва бошйарув журнали. – Т.: ДБА, 2019, - №3(85). – Б.133-139.

12. Ревняков Г.В. Формирование финансовых потоков кластерообразующих хозяйствующих субъектов на основе мер многоуровневой финансовой политики: авторферат... к.э.н. - «Национальный исследовательский технологический университет «МИСиС».Орел, 2018.-24 с.

13. Мишина С.В. Методологические основы бюджетного планирования и прогнозирования доходов местных бюджетов: на примере бюджета городского округа «город Калининград»//Монография. - Москва : Научная библиотека, 2013. – 162с.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (ЎЗР 26.12.2013 й. ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган). // lex.uz

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли фармони.

16. Куликова Н.В., Сергеева Н.В. Практика формирования стратегий социально-экономического развития муниципальных образований// Государственное и муниципальное управление. Ученые записки. – М., 2019. - №1. С. 65-70. DOI: 10.22394/2079-1690-2019-1-1-65-70.

17. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. - 584 бет.

18. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХП-сонли қонуни.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарори.